ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

2022 №8

*2011 йилдан чиқа бошлаган*

# TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI AXBOROTNOMASI




# ВЕСТНИК ТАШКЕНТСКОЙ МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ

Тошкент

ISSN 2181-7812

Выпуск набран и сверстан на компьютерном издательском комплексе

редакционно-издательского отдела Ташкентской медицинской академии

Начальник отдела: М. Н. Аслонов

Редактор русского текста: О.А. Козлова

Редактор узбекского текста: М.Г. Файзиева

Редактор английского текста: А.Х. Жураев

Компьютерная корректура: З.Т. Алюшева

Учредитель: Ташкентская медицинская академия

Издание зарегистрировано в Ташкентском Городском управлении печати и информации
Регистрационное свидетельство 02-00128

Журнал внесен в список, утвержденный приказом № 201/3 от 30 декабря 2013года

реестром ВАК в раздел медицинских наук

Рукописи, оформленные в соответствии

с прилагаемыми правилами, просим направлять

по адресу: 100109, Ташкент, ул. Фароби, 2,

Главный учебный корпус ТМА,

4-й этаж, комната 444.
Контактный телефон: 214 90 64
e-mail: rio-tma@mail.ru
rio@tma.uz

Формат 60х84 1/8. Усл. печ. л. 9,75.

Гарнитура «Cambria».
Тираж 150.
Цена договорная.

Отпечатано на ризографе
редакционно-издательского отдела ТМА.
100109, Ташкент, ул. Фароби, 2.

Вестник ТМА № 8, 2022

**_РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ_**

**_Главный редактор_**

проф. А.К. Шадманов

**_Заместитель главного редактора_**

проф. О.Р.Тешаев

**_Ответственный секретарь_**

проф. Ф.Х.Иноятова

**_ЧЛЕНЫ РЕДАКЦИОННОЙ КОЛЛЕГИИ_**

акад. Аляви А.Л.
проф. Билалов Э.Н.
проф. Гадаев А.Г.
проф. Жае Вук Чои (Корея)
акад. Каримов Ш.И.
проф. Татьяна Силина (Украина)
акад. Курбанов Р.Д.
проф. Людмила Зуева (Россия)
проф. Метин Онерчи (Турция)
проф. Ми Юн (Корея)
акад. Назыров Ф.Г.
проф. Нажмутдинова Д.К.
проф. Саломова Ф.И.
проф. Саша Трескач (Германия)
проф. Шайхова Г.И.

**_Члены редакционоого совета_**

проф. Акилов Ф.О. (Ташкент)
проф. Аллаева М.Д. (Ташкент)
проф. Хамдамов Б.З. (Бухара)
проф. Ирискулов Б.У. (Ташкент)
проф. Каримов М.Ш. (Ташкент)
проф. Маматкулов Б.М. (Ташкент)
проф. Охунов А.О. (Ташкент)
проф. Парпиева Н.Н. (Ташкент)
проф. Рахимбаева Г.С. (Ташкент)
проф. Хамраев А.А. (Ташкент)
проф. Холматова Б.Т. (Ташкент)
проф. Шагазатова Б.Х. (Ташкент)

Herald TMA №8, 2022

**_EDITORIAL BOARD_**

**_Editor in chief_**

prof. A.K. Shadmanov

**_Deputy Chief Editor_**

prof. O.R.Teshaev

**_Responsible secretary_**

prof. F.Kh.Inoyatova

**_EDITORIAL TEAM_**

academician Alyavi A.L.
prof. Bilalov E.N.
prof. Gadaev A.G.
prof. Jae Wook Choi (Korea)
academician Karimov Sh.I.
prof. Tatyana Silina (Ukraine)
academician Kurbanov R.D.
prof. Lyudmila Zueva (Russia)
prof. Metin Onerc (Turkey)
prof. Mee Yeun (Korea)
prof. Najmutdinova D.K.
prof. Salomova F.I.
prof. Sascha Treskatch (Germany)
prof. Shaykhova G.I.

**_EDITORIAL COUNCIL_**

DSc. Abdullaeva R.M.
prof. Akilov F.O. (Tashkent)
prof. Allaeva M.D. (Tashkent)
prof. Khamdamov B.Z. (Bukhara)
prof. Iriskulov B.U. (Tashkent)
prof. Karimov M.Sh. (Tashkent)
prof. Mamatkulov B.M. (Tashkent)
prof. Okhunov A.A. (Tashkent)
prof. Parpieva N.N. (Tashkent)
prof. Rakhimbaeva G.S. (Tashkent)
prof. Khamraev A.A. (Tashkent)
prof. Kholmatova B.T. (Tashkent)
prof. Shagazatova B.X. (Tashkent)

**Journal edited and printed in the computer of Tashkent Medical Academy editorial department**

**Editorial board of Tashkent Medical Academy**

**Head of the department: M.N. Aslonov**

**Russian language editor: O.A. Kozlova**

**Uzbek language editor: M.G. Fayzieva**

**English language editor: A.X. Juraev**

**Corrector: Z.T. Alyusheva**

**Organizer: Tashkent Medical Academy**

**Publication registered in editorial and information department of Tashkent city**

**Registered certificate 02-00128**

**Journal approved and numbered under the order 201/3 from 30 of December 2013 in Medical Sciences department of SUPREME ATTESTATION COMISSION**

**COMPLITED MANSCIPTS PLEASE SEND following address:**

**2-Farobiy street, 4 floor room 444. Administration building of TMA. Tashkent. 100109, Toshkent, ul. Farobi, 2, TMA bosh o'quv binosi, 4-qavat, 444-xona.**

**Contact number:71- 214 90 64**

**e-mail: rio-tma@mail.ru. rio@tma.uz**

**Format 60x84 1/8. Usl. printer. l. 9.75.**

**Listening means «Cambria».**

**Circulation 150.**

**Negotiable price**

**Printed in TMA editorial and publisher department risograph**

**2 Farobiy street, Tashkent, 100109.**

| | | |
|---|---|---|
| *Султанов А.М., Кадырбеков Р.Т., Алтыбаев У.У., Махмудов Б.Ф. ПРИМЕНЕНИЕ ИНТРАОПЕРАЦИОННОГО НЕЙРОМОНИТОРИНГА ПРИ УДАЛЕНИИ ОПУХОЛЕЙ В ОБЛАСТИ МОСТОМОЗЖЕЧКОВОГО УГЛА ГОЛОВНОГО МОЗГА* | *Sultanov A.M., Kadyrbekov R.T., Altybaev U.U., Makhmudov B.F. THE USE OF INTRAOPERATIVE NEUROMONITORING IN THE REMOVAL OF TUMORS IN THE REGION OF THE CEREBELLOPONTINE ANGLE OF THE BRAIN* | 171 |
| *Султонов Р.К., Содиқова З.Ш. БИР ОЙЛИК ЧАҚАЛОҚЛАРДА НАФАС ЙЎЛЛАРИ ДЕВОРИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ* | *Sultonov R.K., Sodikova Z.Sh. MORPHOLOGICAL AND MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE TRACHEAL WALL IN CHILDREN AGED ONE MONTH* | 174 |
| *Ташкенбаева Э.Н., Мухиддинов А.И. Хайдарова Д.Д., Абдиева Г.А., Тогаева Б.М., Хасанжанова Ф.О. COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН ЮРАК-ҚОН ТОМИР АСОРАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНИШ ХАВФИ БЎЛГАН БЕМОРЛАРДА ГИПЕРТОНИЯ КАСАЛЛИГИ ВА КОМОРБИД ҲОЛДА ЎПКАНИНГ СУРУНКАЛИ ОБСТРУКТИВ КАСАЛЛИГИНИНГ БИРГАЛИКДА КЛИНИК КЕЧИШИНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ* | *Tashkenbayeva E.N., Mukhiddinov A.I. Khaidarova D.D., Abdieva G.A., Togaeva B.M., Khasanzhanova F.O. FEATURES OF THE CLINICAL COURSE OF HYPERTENSION IN COMORBIDITY WITH CHRONIC OBSTRUCTIVE PULMONARY DISEASE (COPD) IN PATIENTS WITH COVID-19* | 178 |
| *Тилляшайхов М.Н., Болтаев М.И., Мирхамидов Д.Х. ВОЗРАСТНЫЕ ОСОБЕННОСТИ СТЕПЕНИ ИНВАЗИВНОСТИ И ЗЛОКАЧЕСТВЕННОСТИ РАКА МОЧЕВОГО ПУЗЫРЯ* | *Tillyashaykhov M.N., Boltayev M.I., Mirkhamidov D.Kh. AGE FEATURES OF THE DEGREE OF INVASIVITY AND MALIGNANCE OF URINARY CANCER* | 182 |
| *Хамдамов Б.Z., Тешаев А.А., Асқаров Т.А. БИЛАК СУЯКЛАРИНИНГ ДИСТАЛ УЧИ СИНИШЛАРИНИ ДАВОЛАШНИНГ ТУРЛИ УСУЛЛАРИДАН СЎНГ ИММУНОЛОГИК ПАРАМЕТРЛАРНИ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ* | *Khamdamov B.Z., Teshaev A.A., Askarov T.A. COMPARATIVE ANALYSIS OF IMMUNOLOGICAL PARAMETERS AFTER VARIOUS METHODS OF TREATMENT FOR FRACTURES OF THE DISTAL END OF THE FOREARM BONES* | 185 |
| *Хамидова Г.С., Сотликов Р.К. ИЗУЧЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ НПВС ПРИ ЛЕЧЕНИИ РЕВМАТОИДНОГО АРТРИТА* | *Khamidova G.S., Sotlikov R.K. STUDY OF THE EFFECTIVENESS OF NSAIDS IN THE TREATMENT OF RHEUMATOID ARTHRITIS* | 190 |
| *Холикова А.О., Халимова З.Ю., Мавлянова Г.У., Халимова Н.Ю. ИММУНОГИСТОХИМИЧЕСКИЕ МАРКЁРЫ В ДИАГНОСТИКЕ СОМАТОТРОПНЫХ АДЕНОМ ГИПОФИЗА* | *Kholikova A.O., Khalimova Z.Y., Mavlyanova G.U., Khalimova N.Y. IMMUNOHISTOCHEMICAL MARKERS IN THE DIAGNOSIS OF SOMATOTROPIC PITUITARY ADENOMAS* | 193 |
| *Юсупова М.Т., Шадманова Н.К., Гадаева М.Ш. ОПРЕДЕЛЕНИЕ СИЛЫ МЫШЦ ЛАДОНИ ЧЕЛОВЕКА/ДИНАМОМЕТРИЯ* | *Yusupova M. T., Shadmanova N. K., Gadayeva M. Sh.DETERMINATION OF THE STRENGTH OF THE MUSCLES OF THE HUMAN PALM/DYNAMOMETRY* | 200 |
| *Ярашев С.С., Абдикадиров У.К. ДИФФЕРЕНЦИРОВАННЫЙ ПОДХОД К ПРИМЕНЕНИЮ МИНИИНВАЗИВНЫХ МЕТОДОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ БОЛЬНЫХ ОСТРЫМ ХОЛЕЦИСТИТОМ И ХОЛЕДОХОЛИТИАЗОМ* | *Yarashev S.S., Abdikadirov U.K. DIFFERENTI-ATED APPROACH TO THE USE OF MINIMALLY INVASIVE METHODS OF SURGICAL TREATMENT OF PATIENTS WITH ACUTE CHOLECYSTITIS AND CHOLEDOCHOLITHIASIS* | 205 |
| **ГИГИЕНА, САНИТАРИЯ И ЭПИДЕМИОЛОГИЯ** | **HYGIENE, SANITATION AND EPIDEMIOLOGY** | |
| *Абдувалиева Ф.Т., Азизова Ф.Л. ЭКОЛОГО-ГИГИЕНИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ ВОДОСНАБЖЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ ФЕРГАНСКОЙ ОБЛАСТИ НА СОВРЕМЕННОМ ЭТАПЕ* | *Abduvalieva F.T., Azizova F.L. ENVIRONMENTAL AND HYGIENIC PROBLEMS OF WATER SUPPLY TO THE POPULATION OF THE FERGANA REGION AT THE PRESENT STAGE* | 209 |
| *Мирзаева Ф.Ф., Хамракулова М.А. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕР ПРОФИЛАКТИКИ ВОЗДЕЙСТВИЯ УСЛОВИЙ ТРУДА НА ОРГАНИЗМ РАБОТНИКОВ ХЛЕБОПЕКАРНЫХ ПРЕДПРИЯТИЙ* | *Mirzayeva F.F., Khamrakulova M.A. IMPROVEMENT OF PREVENTIVE MEASURES OF HIGH TEMPERATURE EFFECTS ON THE ORGANISM OF WORKERS IN BAKERIES* | 212 |
| *Туляганова Д.С., Хамидуллаев Х.Ш. ВЛИЯНИЕ СТРЕССА НА ЗДОРОВЬЕ МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ В ПРОЦЕССЕ ТРУДОВОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ* | *Tulyaganova D.S., Xamidullayev X.Sh. THE IMPACT OF STRESS ON THE HEALTH OF MEDICAL WORKERS IN THE COURSE OF WORK* | 216 |

УДК: 616-053.31.577.95:616.23/24

# БИР ОЙЛИК ЧАҚАЛОҚЛАРДА НАФАС ЙЎЛЛАРИ ДЕВОРИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Султонов Р.К., Содиқова З.Ш.

# МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ И МОРФОМЕТРИЧЕСКИЕ ПОКАЗАТЕЛИ СТЕНКИ ТРАХЕИ У ДЕТЕЙ В ВОЗРАСТЕ ОДНОГО МЕСЯЦА

Султонов Р.К., Содикова З.Ш.

# MORPHOLOGICAL AND MORPHOMETRIC PARAMETERS OF THE TRACHEAL WALL IN CHILDREN AGED ONE MONTH

Sultonov R.K., Sodikova Z.Sh.

*Республика патологик анатомия маркази, Тошкент тиббиёт академияси*

***Цель:*** *морфологический и морфометрический анализ стенки трахеи у месячных детей.* ***Материал и методы:*** *исследование проведено в 2021-2022 гг. в Республиканском центре патологической анатомии на трупах детей в возрасте до одного месяца, умерших преимущественно от врожденных пороков сердца и других причин без заболеваний. Материал для исследования получали в следующих отделах легких: трахея, правое и левое легкое.* ***Результаты:*** *по данным морфометрических и гистологических исследований слизистая оболочка трахеи тонкая, нежная, железы слабо развиты, площадь гладкоповерхностного эпителия по сравнению с мерцательным и покровным эпителием в 1,5 раза больше, что становится причиной острых респираторных заболеваний.* ***Выводы:*** *знание морфологических, морфометрических и гистологических особенностей стенок наружных бронхов у младенцев до месяца помогает эффективно диагностировать и предотвращать острые респираторные заболевания.*

***Ключевые слова:*** *дети, трахея, бронхиальное дерево, морфометрия, легкое, постнатальный онтогенез.*

***Objective:*** *Morphological and morphometric analysis of the tracheal wall in monthly children.* ***Material and methods:*** *The study was conducted in 2021-2022. in the Republican Center of Pathological Anatomy on the corpses of children under the age of one month, who died mainly from congenital heart defects and other causes without diseases. The material for the study was obtained in the following parts of the lungs: trachea, right and left lung.* ***Results:*** *According to morphometric and histological studies, the tracheal mucosa is thin, delicate, the glands are poorly developed, the area of the smooth-surface epithelium is 1.5 times larger than that of the ciliated and integumentary epithelium, which causes acute respiratory diseases.* ***Conclusions:*** *Knowledge of the morphological, morphometric and histological features of the walls of the external bronchi in infants up to a month helps to effectively diagnose and prevent acute respiratory diseases.*

***Key words:*** *children, trachea, bronchial tree, morphometry, lung, postnatal ontogenesis.*

Жаҳон соғлиқни сақлаш маълумотларига кўра дунё тиббиёт соҳасида болалар ўлими энг асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Бугунги кунда болалар ўлими даражаси 1000 та тирик туғилган болаларда 15,6% тўғри келишига қарамасдан болалар туғилиши кўрсаткичи жуда паст, яни 9,1%ташкил қилмоқда [8]. Бугунги даврда саноати ривожланган мамлакатларда болаларни муддатидан олдин тўғилиши 5-12,5% ташкил қилмоқда. ЖССТ маълумотлари бўйича муддатидан олдин тўғилиш 10% дан ортиқ (ҳар йили тахминан 15 млн гўдак) саёрамизнинг баъзи камбағал минтақаларида бу кўрсаткич 20% ташкил қилмоқда [4].

Янги туғилган чақалоқлар орасида касалланиш ва ўлим кўрсаткичида етакчи ўринни асосан нафас олиш аъзоларидаги бузилишлар эгалайди, бу асосан болалар ўлими даражасини белгилайди. Ривожланган мамлакатларда муддатидан олдин туғилган 34-37 ҳафталик болаларда нафас олиш системасида муаммолари кўп кузатилади [3].

Нафас аъзолари касалликлари ўлим сабаби кўрсаткичи бўйича бешинчи ўринни (4,1-4,2 %), болалар орасида эса иккинчи ўринни (16,6%) эгаллайди [7,9].

Сўнгги йилларда ҳавонинг ифлосланиш даражаси сезиларли даражада ошди ва буни тасдиқловчи кўплаб далиллар мавжуд майда зарарловчи заррачалар таъсирида нафас олишни салбий оқибатларига олиб келиши мумкин. Экологик таъсирнинг соғлиқга таъсири пренатал даврда ҳавонинг ифлосланишига, айниқса ўпка бронх органогенезига таъсир қилиши мумкин [1,2,5].

Постнатал онтогенетик ривожланишда каламушларнинг трахея ва асосий бронхларининг киприкли ва бакалсимон шаклдаги эпителий тўқима ҳужайраларининг миқдорий тузилишини қиёсий баҳолаш учун рус олимлари томонидан тадқиқот ўтказилган. (Павлов А.В., Есев Л.И. 2017) [6]. Аммо болаларда трахеа, бронхлар девори морфологик ва морфометрик тузилиши ёш даврларига мос равишда тўлиқ ўрганилмаган.

**Тадқиқот мақсади**

Бир ойлик бўлган чақалоқларда нафас йўллари деворининг морфологик ва морфометрик кўрсаткичлари таҳлилини олиб бориш.

**Материал ва усуллар**

Текширув Республика паталогик анатомия марказида 2021-2022 йил келган бир ойгача бўлган

чақалоқлар мурдаси устида олиб борилди. Ўлган болаларда ўпка-бронх йўлларида касалликлари бўлмаган асосан юрак касалликлари ва бошқа сабаблар натижасида вафот этган болалар мурдасида ўрганилди. Ўлим сабаблари ва асосий касаллик патологик анатомия Хулосаларида аниқланган. Текширув материаллари ўпканинг қуйидаги қисмларида олинди: трахеа, ўнг ва чап ўпка ташқи ва ички бронхларини очиб ўрганилди. Тадқиқотимизда инструментал (штангенциркуль ёрдамида), умумгистологик ва гистокимёвий усуллари қўланилди. Олинган материаллар формалинга солиб қуйилди ва кейинчалик 3-5 мкм кесмалар таёрланди. Уларни гемотоксилин-эозин, Шик, Ван-Гизон усуллари билан ўрганилди.



*1-расм. Чақалоқлар ўпкаси, 1 ойлик давр. Штангенциркуль ёрдамида трахеа ва бронхларни ўлчамини олиш.*

**Натижалар ва муҳокама**

Янги туғилган чақалоқларда трахеянинг узунлиги ўртача 3,8±0,14 см, кенглиги 0,8±0,02 см. Трахеянинг тоғай халқалари суст ривожланган, юпқа ва майда, улар орасидаги юмшоқ тўқимаси пардали тузилмалари кенг. Чақалоқ туғилгандан кейин 6 ой давомида бўғиз девори тез ўсади ва ривожланади, 6 ойдан кейин ўсиши секинлашади, 1 ёшга етганда бўғиз сал кам 2 баробар узунлашади, яъни ўртача 6,2±0,42 смга етади (1-расмга қаранг).

Чақалоқларда трахеянинг шиллиқ пардаси юпқа, нозик, безлари суст ривожланган, қопловчи эпителий таркибида киприксимон эпителийга нисбатан юзаси силлиқ эпителийлар сони кўп, сон жиҳатдан 1,5 баробар кўп. Иккала эпителий ҳужайраларнинг бўйи нисбатан кичик, призматик шаклда, ядролари бетартиброқ жойлашган, аксариятининг ядроси базал қаватга тегмайди, думалоқ ва овал шаклда.

Чақалоқларда трахеялари нисбатан ингичка, шиллиқ пардаси қон ва лимфа томирларга бой бўлганлигидан уларнинг яллиғланиши кўп учрайди. Трахеянинг девори юмшоқ бўлганлигидан харакатчан, нафас чиқаришда тораяди, нафас олишда кенгаяди, қўпол хириллашли нафас олишга сабаб бўлади ва буни туғма стридор дейилади бу 2 ёшларда йўқолади. Чақалоқларда трахея кенг, калта, баъзида узун ингичка бўлади. Бир ёшгача болаларда воронкосимон, 1 ёшнинг охирида цилиндрсимон шаклга киради. Чақалоқларда трахеянинг тоғай халқалари орқа қисмидаги бириктирувчи тўқимали мембранасига нисбатан суст ривожланган (2-расм).






*1-расм. Чақалоқлар трахеяси, 1 ойлик давр. Шиллиқ пардаси бурмали, қопловчи эпителийси кўп қаторли-(1), шиллиқ ости қавати шишли-(2), тоғайи кўп ҳужайрали-(3) тузилишга эга. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.*




*2-расм. Чақалоқлар трахеяси, 1 ойлик давр. Шиллиқ ости қават(1) ва тоғайнинг ички ва ташқи юзасида пикрофуксинли толали тузилмалар(2) жойлашган. Бўёқ: Ван-Гизон. Кат: 10х40.*

Янги туғилган чақалоқларнинг 1 ойлик давригача ўпка бўлаклари бронхлари воронкасимон кўринишда бўлиб, узунлиги 3,7±0,8 см, бўшлиғининг кенглиги ўртача 0,7±0,1 смни ташкил қилади. Девори нистабан юмшоқ, яъни тоғай халқалари кам ривожланган, юпқа ва юмшоқлиги аниқланди. Тоғай

халқалари бир бутун тузилиши бузилиб, бир-нечта бўлаклардан иборатлиги аниқланди. Ўпка бўлаклари бронхлари деворидаги тоғай халқалар учи тугаган соҳада юмшоқ тўқимали махсус парда жойлашганлиги аниқланди. Бу соҳадаги шиллиқ парда юзаси силлиқ, бурмалари йўқ, бир қаватли кўп қаторли эпителий копламаси нисбатан юпқа уларнинг ядролари бетартиб жойлашган, яъни аксарияти ҳужайранинг ўртасида жой эгаллаганлиги аниқланди (3-расм).

Бўлакчаичи бронхиолани микроскопик жиҳатдан ўрганиш шуни кўрсатдики, улар ўпка тўқимаси сегментлари орасида жойлашганлиги, атрофида қон томирлар ва нерв толалари борлиги, ўпка тўқимасидан нозик ва юпқа бириктирувчи тўқимали парда билан ажратилганлиги аниқланди. Бронхиоланинг шиллиқ пардаси йирик ва кичик бурмалардан иборатлиги, йирик бурмалари бронх деворининг икки томонида симметрик ҳолда жойлашганлиги кузатилди (4-расм).



***3-расм. Ўпка бўлаклари бронхлари, 1 ойлик давр. Бронх деворининг тоғай халқаси йўқ соҳаси, шиллиқ парда силлиқ, силлиқ мушак тутамлари йўғон, бириктирувчи тўқима тутамлари зич(1) жойлашган. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х40.***



***4-расм. Бўлакча ичи бронхиола, бир ойлик давр. Шиллиқ пардаси катта ва кичик бурмали(1), силлиқ мушак тутамлари қалин(2), тоғай халқаси бир-нечта бўлаклардан(3) иборат. Бўёқ: Г-Э. Кат: 10х10.***

Терминал бронхиола девори тузилмаларини микроскопик тарзда текшириш шуни кўрсатдики, бундан олдин кўрсатилган бронх ва бронхиолалар деворидан фарқ қилиши, яъни нисбатан юпқа ва фақат шиллиқ парда, шиллиқ ости мушак қаватидан иборатлиги тасдиқланди. Шиллиқ пардасида фақат қопловчи эпителийнинг узун-калталигидан пайдо бўлган бурмалар мавжудлиги аниқланди. Қопловчи эпителий ҳужайраларидан бурмаларнинг бўртиб чиққан соҳаларида цилиндирсимон шаклда, чуқурчалари соҳасида эса призматик шаклдалиги аниқланди.

Юқори нафас тизими бир қатор найлар кўринишидаги қисмлардан иборат бўлганлиги учун, улардаги эрта постнатал даврда такомил топиб, шаклланиб боришида ривожланадиган структур ўзгаришлар юқори нафас йўлларининг барча қисмида деярлик бир хил даражада амалга ошганлигини инобатга олиб, морфометрик текширувларни нафас йўлларининг бир қисмида, яъни ўпка бўлаклари бош бронхларида ўтказишни олдимизга мақсад қилиб олдик.

Биз ушбу тадқиқотда бўлак бронхи деворида постнатал давр динамикасида юз берадиган структур ўзгаришларни 1 ойлик даврда морфометрик текширувдан ўтказдик. Бронх беворидаги қуйидаги тўқима тузилмаларига тўғри келган нуқталар саналди:

Рқэ – қопловчи эпителий;
Рхп - хусусий пластинка;
Рмқ – мушак қават;
Ршб – шиллиқ безлар;
Ртх – тоғай халқалар.

***1-жадвал***

***1-ойлик постнатал давр бўлак бронх деворининг морфометрик кўрсаткичлари***

| n - 8 | Структур тузилмалар бўйича нуқталар сони | | | | | Жами |
|---|---|---|---|---|---|---|
| | Рқэ | Рхп | Рмқ | Ршб | Ртх | |
| 1 | 10 | 31 | 21 | 62 | 76 | 200 |
| 2 | 9 | 29 | 19 | 60 | 74 | |
| 3 | 11 | 32 | 23 | 64 | 77 | |
| 4 | 8 | 32 | 20 | 61 | 76 | |
| 5 | 12 | 31 | 22 | 64 | 78 | |
| 6 | 10 | 28 | 23 | 59 | 75 | |
| 7 | 11 | 33 | 19 | 60 | 76 | |
| 8 | 9 | 32 | 21 | 63 | 76 | |
| | 80 | 248 | 168 | 496 | 608 | 1600 |
| M±m(ε) | 5,0±1,08 | 15,5±1,8 | 10,5±1,5 | 31,0±2,3 | 38,0±2,4 | |

$V_{қэ} = P_{қэ}/P \times 100 = 80 /1600 \times 100=5,0; \varepsilon =2,0 \times \sqrt{5,0(100-5,0)/1600} = 1,08$ (P<0,01)
$V_{хп} = P_{хп}/P \times 100 = 248/ 1600 \times 100 = 15,5; \varepsilon = 2,0 \times \sqrt{15,5(100-15,5) / 1600} = 1,8$ (P<0,05)
$V_{мқ} = P_{мқ}/P \times 100 = 168/ 1600 \times 100 = 10,5; \varepsilon = 2,0 \times \sqrt{10,5(100-10,5) / 1600} = 1,5$ (P<0,05)
$V_{шб} = P_{шб}/P \times 100 = 496/ 1600 \times 100 =31,0; \varepsilon =2,0 \times \sqrt{31,0 (100-31,0) / 1600} = 2,3$ (P<0,05)
$V_{тх} = P_{тх}/P \times 100 = 608/ 1600 \times 100 =38,0; \varepsilon =2,0 \times \sqrt{38,0 (100-38,0) / 1600} = 2,4$ (P<0,05)

***Тадқиқот натижаларини статистик қайта ишлашда «Statistica for Windows 10,0» персонал компьютерининг амалий дастур пакетидан фойдаланилди.***

**Хулоса**

Янги туғилган чақалоқлар ва кўкрак ёшидаги болаларда трахея ва бронхлар нисбатан тор, шиллиқ пардаси қон томир ва лимфа томирларга бой, мушак қавати етилмаган, тоғай дисклари юмшоқ бўлганлигидан, бронхлар девори осон эгилувчан ҳолатда, нафас чиқаришда бўшлиғи пучайиб қолиши мумкин.

Нафас олиш қонуниятларини бронхлар деворидаги тўқима тузилмалари таъминлайди: қопловчи эпителий ва уларнинг ажратмалари хавони ёт таначалардан тозалаб, иситиб беради, шиллиқ ости қаватидаги безлар шилимшиқ модда синтезлаб, хаво таркибидаги ёт таначаларни ўзига шимиб олади, силлиқ мушак қавати бронхлар бўшлиғига кирган хавонинг миқдорини, унинг альвеолаларга кириб бориш даражасини меъёрда бўлишини таъминлайди. Тоғай халқалари бронхларнинг найсимон тузилиш ҳолатини таъминлаб, нафас чиқаришда ёпишиб қолмаслигини таъминлайди.

**Адабиётлар**

1. Баранов А.А. Состояние здоровья детей в Российской Федерации / А.А. Баранов // Педиатрия. – 2012. – Т. 91. № 3. – С. 9-14.
2. Клочкова С.В., Акматов Т.А., Алексеева Н.Т., Никитюк Д.Б. Бронхиальные железы: возрастные, регионарные и индивидуальные особенности строения. //Журнал анатомии и гистопатологии. Москва. -2021.- №10 (3).- С.47-52.
3. Павлов А.В., Есев Л.И. Сравнительная характеристика количественных параметров реснитчатых и бокаловидных эпителиоцитов трахеи и главных бронхов крыс в постнатальном развитии. //Журнал анатомии и гистопатологии. Москва. -2017.- № 6 (2.) -С.62-67.
4. Студеникина Т.М. Эмбриогенез и раннее постнатальное развитие тканей и органов человека : учеб. –метод. пособие. – Минск : БГМУ, 2020. – 52 с.
5. Султонов Р.К, Содиқова.З.Ш., Арсенова.М.А., Бобоёров С.У. Morphological and Morphometric Indications of Trachea and Bronchial Walls in One-Month-Old Babies. // American Journal of Medicine and Medical Sciences 2022, 12(8): P-811-814 .(14.00.00; №2).
6. Чуканов А.Н., Тихоненко И.В. Оптимизация пренатального скрининга пороков развития легких // Проблемы здоровья и экологии.- 2019. - № 2 (60). - С. 42-48.
7.Cindy T., Mc Evoy., MD, MCR, Eliot R. Spindel M.D, PhD. “Pulmonary Effects of Maternal Smoking on the Fetus and Child: Effects on Lung Development, Respiratory Morbidities, and Life Long Lung Health”. Paediatr Respir Rev. 2017 January 21.
8.Insa Korten, Kathryn Ramsey, Philipp Latzin. Air pollution during pregnancy and lung development in the child. Paediatric Respiratory Reviews 21 (2017) 38–46.
9. Kamath B.D., Marcotte M.P., DeFranco E.A. Neonatal morbidity after documented fetal lung maturity in late preterm and early term infants. //Am J Obstet Gynecol. 2011 Jun; 204(6): 518.e1-8.

## БИР ОЙЛИК ЧАҚАЛОҚЛАРДА НАФАС ЙЎЛЛАРИ ДЕВОРИНИНГ МОРФОЛОГИК ВА МОРФОМЕТРИК КЎРСАТКИЧЛАРИ

Султонов Р.К., Содиқова З.Ш.

***Мақсад:*** *ойлик болаларда трахея деворини морфологик ва морфометрик таҳлил қилиш.* ***Материал ва усуллар:*** *тадқиқот 2021-2022 йилларда Республика патологик анатомия марказида асосан туғма юрак нуқсонлари ва касалликсиз бошқа сабабларга кўра вафот этган бир ойгача бўлган болалар жасадларида ўтказилди. Тадқиқот учун материал ўпканинг қуйидаги бўлимларида олинган: трахея, ўнг ва чап ўпка.* ***Натижалар:*** *морфометрик ва гистологик тадқиқотларга кўра, трахеянинг шиллиқ қавати ингичка, майин, безлари кам ривожланган, силлиқ сирт эпителиясининг майдони киприксимон ва қопловчи эпителийдан 1,5 баравар катта бўлиб, бу ўткир респиратор касалликларни келтириб чиқаради.* ***Хулоса:*** *бир ойгача бўлган чақалоқларда ташқи бронхлар деворларининг морфологик, морфометрик ва гистологик хусусиятларини билиш ўткир респиратор касалликларни самарали ташхислаш ва олдини олишга ёрдам беради.*

***Калит сўзлар:*** *чақалоқ, постнатал онтогенез, трахеа, бронх, бронхиола, морфометрия, умумгистологик тахлил, диаметр, ўпка.*